O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 11 октябрь, № 199 (4098) Чоршанба

Пахта — 2006

ИКК ВИЛОЯТ ЗАФАРИ

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида ***САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ*** *пахтачилигида ҳам кейинги йилларда миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгаришлар кўзга ташланаяпти. Масалан, пахтакорлар жорий йилда қабул масканларига 248 минг тоннадан ортиқ хомашё етказиб бериб, йиллик шартнома режасини ошириб бажардилар. Унинг 90 фоиздан зиёдроғи юқори навларга сотилди.*

Президентимизнинг пахтачиликни ривожлантиришга қаратаётган эътибори самараси ўлароқ ***ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ****да ҳам пахтачиликда катта ютуқларга эришилаяпти. Ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичлари йил сайин ортиб бормоқда. Экин майдонлари кенгайтирилмагани ҳолда пахта етиштириш ҳажми кескин ошди.*

— Ўтган йилгидек, бу йил ҳам пахтачилик учун қулай келди, — дейди вилоят ҳокимлиги масъул ходими Аллаёр Қиличев. — Мавжуд 103400 гектар майдонга маҳаллий тупроқ ва иқлим шароитига мос ғўзанинг «Оқдарё-6», «Омад», «Бухоро-102» навлари экилгани, айниқса, деҳқонлар бу борада тўғри йўл тутишганини яна бир карра исботлади.

Самарқандлик пахтакорларнинг бугунги меҳнат зафарида фермер хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлганлигини айтишни истардим. Гап шундаки, истиқболсиз ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантирилгани, ер ўз эгасини топгани ўзибўларчилик, талон-торожлик каби қусурларга барҳам берди, ортиқча харажатларнинг олдини олди. Биргина пахтачиликда ўтган йилдагига нисбатан 2262 тонна ёки 803 миллион сўмлик ёнилғининг тежаб қолингани ҳам шундан далолат беради.

Жойларда муқобил машина-трактор паркларининг тузилиши, минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш материалларининг ўз вақтида етказиб берилиши, банк ва бошқа соҳалар бўйича хизматнинг кўнгилдагидек ташкил этилиши эса фермерларга енгиллик яратди. Улар бундай муаммолар билан бош қотириш ўрнига далаларда экинларга кўз нурини, қалб меҳрини бағишладилар.

— Йил бошидан вилоятдаги тижорат банклари пахта етиштириш билан боғлиқ харажатлар учун Молия вазирлиги қошидаги Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағи ҳисобидан фермерларга 30 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратди, — дейди «Пахтабанк»нинг вилоят бошқармаси бошлиғи Бадриддин Насриев. — Шу билан бирга, ҳосилни йиғиб-териб олиш жараёнида теримчиларга ҳар беш кунда, мавсум сўнгида эса ҳар куни нақд пул бериб бо-

(Давоми 2-бетда).

Бу йил 106,4 минг гектар майдонда пахта етиштирган жиззахлик миришкорлар қабул пунктларига 234 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо хомашё топшириб, давлатга пахта сотиш бўйича шартнома мажбуриятини адо этди.

Вилоят пахта далаларида маҳаллий шароитга мос, турли касаллик ва зараркунандаларга чидамли, сермаҳсул «Ан-Баёвут-2», «С-65-24", «Оқдарё-6» каби тезпишар навлар экилди. Барча агротехник тадбирлар юқори савияда ўтказилгани, зараркунандаларга қарши курашда биологик усулдан самарали фойдаланилгани натижасида мўл ҳосил етиштирилди. Терим уюшқоқлик билан ташкил этилгани боис ҳосил қисқа фурсатда йиғиштириб олинди. Эришилган ютуққа Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл, Арнасой туманлари фермерлари айниқса салмоқли улуш қўшди.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги юз фоиз фермерлаштирилгани, қишлоқ мулкдорлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ерга меҳр қўйган, пахтачиликда юқори самарадорликка эришаётган мустақил деҳқонларнинг сафи кенгайишига олиб келаётир. Бу йил пахта етиштирган 5 минг 668 нафар фермернинг 90 фоизга яқини шартнома мажбуриятини ортиғи билан уддалади. Жиззах туманида Ўзбекистон Қаҳрамони Парда Зиётов етакчилик қилаётган «Қуёшсевар Парда», Пахтакор туманидаги «Анвар-А», Дўстлик туманидаги «Қўшбулоқ», Арнасой туманидаги «Лочин», Мирзачўл туманидаги «Умида» фермер хўжаликларида пахта ҳосилдорлигини ошириш бўйича бой тажриба тўпланди.

— Бу йил ҳам давлатга пахта сотиш шартнома режасини ошириб бажардик, — дейди Дўстлик туманидаги «Машъал» фермер хўжалиги раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Омон

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан биридир. Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ушбу мақсадда амалга оширилаётган барча ишларга, шу соҳага бевосита масъул ва дахлдор бўлган давлат ва жамоат бирлашмалари фаолиятига ана шу нуқтаи назардан баҳо бериш керак.

Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 майдаги «Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўтган давр мобайнида мазкур ташкилот Марказий кенгаши ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, республикамизнинг аксарият туман ва шаҳарларида «Ёшлар ижтимоий хизмат маркази» ташкил этилгани, ёшларнинг олдида турган муаммоларни ечиш, уларнинг маданий савиясини, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган оммавий тадбирлар, турли кўрик-танлов ва учрашувларни уюштириш, ўқувчи ва талабалар ўртасида «Камолот» фаолиятини тарғиб қилиш билан боғлиқ қатор ишлар қилинганини айтиб ўтиш лозим.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига асос бўлган Дастур ва Низомнинг амалда бажарилишини, мазкур ташкилот томонидан ёшларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, уларни жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий ва иқтисодий янгиланиш жараёнида ўз жойини топишига кўмаклашиш борасида олиб борилаётган ишларни ижобий баҳолаб бўлмайди.

Ҳаракат фаолиятини ташкил этишда аксарият ҳолларда расмиятчилик, бюрократик ёндашув, кампаниябозликка йўл қўйилаётгани, унинг ёшлар дуч келаётган амалий муаммолардан узоқлашиб қолгани, истеъдодли, табиий етакчилик қобилиятига эга бўлган йигит-қизларни «Камолот»га жалб этиш, уларга кўпроқ эркинлик ва ўз ташаббусларини намоён қилиши учун шароит ва имконият яратиб бериш билан боғлиқ камчиликлар жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ва давлат сиёсати даражасида қабул қилинган, ёшлар муаммоларини ечишга қаратилган дастур ва тадбирларни амалга оширишда, вояга етиб келаётган ёш авлоднинг ҳаётда ўз муносиб ўрнини топиши, уларни, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги йигит-қизларни иш билан таъминлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши, соғлом турмуш кечириши учун имконият туғдириш, фарзандларимиз онгида замонавий дунёқарашни қарор топтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби ўта муҳим масалаларда Ҳаракатнинг ҳиссаси, ўрни ва таъсири етарли даражада сезилмаяпти.

Олий ўқув юртлари, коллеж ва мактаблардаги ўқув жараёнларининг даражаси ва сифати ҳақида ижтимоий сўровлар орқали ёшларнинг фикр-мулоҳазалари, мақсад ва интилишларини ўрганиш, ҳаётимиздаги ечилмаган муаммолар, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш нималарга боғлиқ экани ҳақида баҳс ва мулоқотлар ўтказиш, керакли хулоса чиқариш ва таклифлар тайёрлаш масалалари ҳам «Камолот» эътиборидан четда қолмоқда.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятининг самарасини ошириш, уни биринчи навбатда ёшларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қодир бўлган таъсирчан ташкилотга айлантириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, маънавий-маърифий соҳага дахлдор бўлган вазирлик ва идоралар томонидан ёшлар масалаларини, авваламбор уларнинг долзарб муаммоларини ечиш, жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишда йўл қўйилаётган совуққонлик, бепарволик ва масъулиятсизлик ҳолатларини бартараф этиш, энг асосийси, ҳаётга кириб келаётган авлоднинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, бу борада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига суяниш ва таяниш вазифаси мазкур давлат ташкилотлари фаолиятининг муҳим йўналиши деб ҳисоблансин.

(Давоми 2-бетда).

Қирқиш чизиғи

олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб қўйиш ҳоллари мустасно»;

3) **21-модда иккинчи қисмининг ўн еттинчи хатбошиси** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъектининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келадиган қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш, уларни реализация қилиш ва қўллаш, қурилиш-монтаж ишларини давом эттиришни тўхтатиб қўйиш суд тартибида амалга оширилади, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари мустасно».

32-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган **«Суғурта фаолияти тўғрисида»**ги 358-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 68-модда)

10-моддаси иккинчи қисмининг тўққизинчи хатбошисидаги «шунингдек уларнинг фаолиятини тугатади» деган сўзлар «шунингдек уларнинг фаолиятини тугатиш тўғрисида судга мурожаат қилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

33-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 10 октябрь
№ ЎРҚ — 59

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари
2006 йил

Қирқиш чизиғи

учун:

юридик шахсларга — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда;

жисмоний шахсларга — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эга»;

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жарима солиш суд томонидан, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса, махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ишлаб чиқарувчининг (ижрочининг, сотувчининг) охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг жами йигирма фоизидан ортиқ миқдорда жарима ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади»;

олтинчи қисмидаги «ёхуд жарима солиш ҳақидаги қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

еттинчи қисмидаги «ёки жарима солиш ҳақидаги қарорнинг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган **«Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»**ги 265-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 128-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модда биринчи қисмининг:**

бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

олтинчи — тўққизинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи — саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тиббиёт ва фармацевтика фаолиятини лицензиялашни белгиланган тартибда амалга ошириди»;

2) **11-модданинг:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11-модда. Тиббиёт ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш»;

иккинчи қисми қуйидаги таҳририда баён этилсин:

«Тиббиёт ва фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар бериш тартиби ҳамда шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

Буклаш чизиғи

3) **31-модданинг иккинчи қисмидаги** «мазкур фаолият тури билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **41-модданинг биринчи қисмидаги** «рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган муайян тиббиёт ва фармацевтика фаолияти турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эга диплом ва лицензия олган шахслар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **42-модда** чиқариб ташлансин.

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган **«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги 353-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 52-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда) **13-моддаси** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш (фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно) ёки тугатиш суд тартибида амалга оширилади».

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган **«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»**ги 355-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 54-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **2-модданинг тўртинчи** ва **бешинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонун ҳужжатларида табиий монополиялар субъектлари фаолиятини давлат томонидан қўшимча равишда тартибга солиш назарда тутилиши мумкин.

Ушбу қонуннинг қоидалари табиий монополиялар субъектларига нисбатан бу қоидаларнинг қўлланилиши ана шу субъектларнинг ўзига хос вазифаларини бажаришини чекламайдиган қисмигина қўлланилади»;

2) **10-модданинг:**

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, хўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига монополияга қарши қонун ҳужжатлари бузилишларини тугатиш ёки бундай бузилишларнинг оқибатларини бартараф этиш тўғрисида, дастлабки ҳолатни тиклаш ҳақида, монополияга қарши қонун ҳужжатларига хилоф шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

2. Вазирлар Маҳкамаси (Р.Қосимов) «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ташкилотнинг Дастури ва Низомига тегишли ўзгартишлар киритиш, унинг таркибий тузилмасини янгитдан тасдиқлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

3. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Маслаҳат кенгашининг Ҳаракатнинг навбатдаги II қурултойини 2006 йил ноябрь ойининг охирида ўтказиш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурни кун тартибининг асосий масаласи сифатида белгилаш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

4. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг навбатдаги қурултойига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича бошланғич ва қуйи ташкилотларнинг таклифлари асосида тайёрланган чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ маъқуллансин ва қурултойни ўтказиш ҳамда ёритишда Ҳаракат фаолиятини чуқур таҳлил қилиб, танқидий баҳо бериш, мамлакатимиз ёшлари олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Шамшиев ва Бош вазир ўринбосари Р.Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 10 октябрь

Кеча "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "Қурилиш. Қурилиш техникаси. Қурилиш материаллари" ExpoConstruction Uzbekistan-2006 учинчи халқаро кўргазмаси иш бошлади.

КЎРГАЗМАДА ҚУРИЛИШ САНОАТИ ЮТУҚЛАРИ

Унда мамлакатимиз вакилларидан ташқари Россия, Германия, Қозоғистон, Швеция, Украина, Туркия, Швейцария, Польша ва бошқа давлатлардан 40 га яқин компаниялар иштирок этмоқда. Мазкур тадбир "ZarExpo" миллий кўргазма компанияси томонидан ташкиллаштирилган бўлиб, Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, республика Меъморлар уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, "Грандкуриндустрия" қурилиш саноати гуруҳи, "Shosh Invest Group" ва "VBM Building Group" компаниялари унинг расмий ҳомийлари ҳисобланади.

Айни чоғда кўргазма иштирокчиларининг қарийб ярмини янги компаниялар ташкил этаётгани минтақада қурилиш саноатининг жадал ривожланиб бораётганидан дарак беради. Кўргазма павильонларида замонавий қурилиш материаллари ва хизматлар, деразалар, эшиклар, витражлар, пардоз ишлари, дизайн, иситиш ва совутиш тизимлари, сантехника, керамика, тош, ускуналар ҳамда асбоблар, дурадгорлик буюмлари ва ёғочга ишлов бериш жиҳозлари бир қанча бўлимларда намойиш этилмоқда.

12 октябрга қадар давом этадиган тадбир доирасида, шунингдек, очиқ майдонда янги қурилиш техникаси ва ускуналари тақдимоти, қурилиш саноати мутахассислари учун семинарлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Н.Хонов иштирок этди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция йиғилиши

Унда қуйи палата ялпи мажлиси муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган қонунлар лойиҳалари, хусусан, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 241¹-моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 44-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги, "Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига тааллуқли Еттинчи қўшимча баённомани (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги каби ҳужжатлар кўрилди.

Фракция аъзолари таъкидланган қонун лойиҳалари тўғрисида фикр билдирар эканлар, аввало, уларнинг ҳаётимизга зарурлигини, шу боис, депутатлар томонидан билдирилган таклифлар, тавсиялардан мукаммал қонун тайёрлаш жараёнида фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгалигини қайд этдилар.

Ўз мухбиримиз.

ИККИ ВИЛОЯТ ЗАФАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

рилди. Айнан шу мақсадда ажратилган маблағ 13,5 миллиард сўмдан ошди.

Бу йил ҳам Нарпай тумани миришкорлари пахта тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини вилоятда биринчи бўлиб бажардилар. Қабул пунктларига топширилган 32 минг тоннадан ортиқ ҳосилнинг ҳаммаси биринчи навларга қабул қилинди. Бунинг эвазига 4 миллиард 800 миллион сўм соф фойда олиниши кутилмоқда. Чунки етиштирилган ҳосил ўз вақтида йиғиштириб олинди, асосийси, унинг сифати ҳам, миқдори ҳам юқоридир.

Дашт ҳудудида меҳнат қилаётган тажрибали деҳқон Абдушукур Маҳмудов бошчилигидаги «Абдушукур пахтакор» фермер хўжалигида ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта тайёрланган бўлса, «С. Қувонов» фермер хўжалигида эса ҳосилдорлик 40 центнердан ошди.

Вилоятнинг улкан хирмонига Жомбой, Пахтачи, Пастдарғом, Иштихон, Каттақўрғон, Пайариқ, Оқдарё ва Нуробод туманлари пахтакорлари ҳам муносиб улуш қўшдилар.

Вилоятда зафар марраси эгаллангани йиғим-терим тугаганини англатмайди. Негаки, ҳали далаларда теримчилар қўлига маҳтал бўлиб турган минг-минглаб очилган чаноқлар бор. Шу боис самарқандлик пахтакорлар уларнинг сўнгги мисқолигача йиғиштириб олиш йўлида шижоат кўрсатмоқдалар.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Даврон АҲМАД олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Абдуллаев. — 118 гектар ердан биринчи теримдаёқ 38 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик ва юқори навларга топширилди. Демак, даромадимиз бу йил ўтган йилгидан ҳам зиёда бўлади.

Чўл шароитида ҳосил етиштириш осон эмас. Ҳукуматимиз томонидан фермерларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларни имтиёзли кредитлар, лизинг асосида техника, ёнилғи, минерал ўғитлар билан таъминлаш борасида берилаётган кўмак, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўлида қилинаётган салмоқли ишлар, бутун вилоят аҳлининг пахтакорларга ёрдами ўз самарасини берди.

Далаларда ҳали ҳосил чўғи баланд. Пешона тери эвазига етиштирилган мўл ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш мақсадида терим жадал суръатда давом этмоқда.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

Кейинги йилларда йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш мақсадида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси тизимида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Буни Оролбўйи йўловчиларига хизмат кўрсатиш корхонасининг Қўнғирот бекатида олиб борилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур бекат бошлиғи — Жанабой Хўжамуротовнинг сўзларига қараганда, станцияларда олиб борилган кенг кўламли ишлар туфайли сифат ва самарадорликка эришилмоқда.

СУРАТДА: (чапдан) ўз касбининг устаси Марям Матназарова бекат бошлиғи Жанабой Хўжамуротов билан мулоқотда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Ҳамкорлик уфқлари

Андижоннинг Ёрқишлоқ қишлоғида иш бошлаган «Алёртекс» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси жамоаси қўлидан чиққан маҳсулотларнинг илк харидори россиялик ҳамкорлар бўлди. 45 минг АҚШ доллари миқдоридаги калава россиялик тўқимачиларга юборилди.

Хорижда ҳам харидоргир

Қишлоққа саноатнинг кириб келиши, энг аввало, маҳаллий хотин-қизлардан икки юз нафарининг муқим иш жойига эга бўлиши имконини бериш билан бирга, икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларнинг янада чуқур илдиз отишида янги уфқлар очди.

Ҳозирча иш икки сменада олиб борилмоқда. Янги, илғор технологияларни ўрнатиш эса қизғин кетаётир. Йил охирига бориб яна ўнлаб янги иш ўринларининг вужудга келиши кутилмоқда.

О.ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бугун — Халқаро табиий офатлар хавфини камайтириш куни

XX асрнинг охирги ўн йиллиги ва XXI асрнинг ўтган даври мобайнида сайёрамизда жуда кўп табиий офатлар юз берди. Табиий офатлар нафақат инсонларнинг қурбон бўлишига, балки ривожланаётган давлатлар иқтисодиётига зарба бериб, уларнинг тараққиётини орқага суриб юборяпти. Бу аянчли воқелик дунё ҳамжамиятини катта ташвишга солиб келмоқда.

Сабабсиз оқибат бўлмас

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 1989 йил 22 декабрдаги 44/236-резолюциясига мувофиқ ҳар йилнинг октябрь ойи иккинчи чоршанбаси «Халқаро табиий офатлар хавфини камайтириш куни» сифатида белгиланган. Бундан асосий мақсад — сайёрамизда табиий офатларнинг хавфини камайтириш соҳасидаги глобал маданиятни шакллантириш, табиий офатлар хавфини бартараф қилиш, уларнинг оқибатларини камайтириш ва офатларга тайёргарликни оширишдир. Мазкур халқаро кунининг 2006 йилдаги мавзуси бу соҳадаги умумжаҳон ҳаракати мавзуси билан бир хил ва «Табиий офатлар хавфини камайтириш мактабдан бошланади» деб аталади. Бу ҳаракат ҳукуматлар, жамоалар ва фуқаролар эътиборини содир бўлиши мумкин бўлган табиий офатлар хавфига қаратиш ва уларнинг оқибатларини камайтиришга ундашдир. Кўп жиҳатдан бу мавзунинг долзарблашувига 2005 йилнинг апрель ойида Кашмирда бўлиб ўтган зилзила оқибатлари сабаб бўлди. Маълумки, бу табиий офат натижасида 17 мингдан зиёд болалар ҳалок бўлди.

Хўш, табиий офатлар хавфини қандай қилиб камайтириш мумкин?

Бугунга келиб сув тошқини, тўфон, кўчки каби табиий офатларни олдиндан дараклаш ва уларга тайёргарлик кўриш, лозим бўлса, аҳолини хавфсиз жойга эвакуация қилиш — кўчириш мумкин. Лекин олимлар ҳанузгача зилзилаларни аниқ башорат қила олмаяптилар ва кўпчилик мутахассислар фикрича, бунга ҳали камида 15-20 йил вақт керак. Шундай экан, биз зилзилаларнинг оқибатларини камайтириш учун уларга тайёргарлик кўришимиз зарур. Бунинг учун, биринчи навбатда, барча биноларимизни зилзилабардошлик қоидаларига риоя қилган ҳолда қуришимиз, мавжудларини кучайтиришимиз ва табиий офатларга тайёргарлик дастурлари бўйича аҳолининг турли қатламларини ўқитиш зарур. Бу соҳада мамлакатимизда қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, махсус қабул қилинган Давлат дастури асосида мактаб биноларини тубдан таъмирлаш ва кучайтириш ишлари олиб борилмоқда. Аҳолини табиий офатлар таҳликаси ва хавфидан муҳофазалашга қаратилган ўқув ишлари ҳам кенг кўлам олмоқда. Бу ишга давлат ташкилотлари билан бир қаторда жамоатчилик ҳам сезиларли ҳисса қўшмоқдалар. Бугунга келиб Фуқаро муҳофазаси институтида янги мультимедиявий компьютер ўқув дастурларини дарс жараёнига татбиқ этиш ишлари олиб борилмоқда. Институт ходимлари ташкилотлар ва маҳаллаларда олиб бориладиган ўқув-педагогик жараёнларига, айниқса, катта эътибор қаратмоқдалар. Лекин содир бўлиши мумкин бўлган табиий офатларнинг оқибатини камайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар фуқароларнинг фаоллиги, уларнинг мазкур ўқув жараёнларига қизиқиши ва иштирокисиз натижа бермайди.

Х. ТУРСУНОВ,
А. ҲАСАНОВ,
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти ўқитувчилари.

Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 29 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 26 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган **«Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»**ги 625-XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 260-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда) **6-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳририда баён этилсин:

«Биржалар фаолиятини тартибга солувчи ваколатли органларнинг ушбу Қонун 14 ва 15-моддалари талабларининг бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмаларини биржалар томонидан бажарилмаган тақдирда, биржалар фаолиятини тартибга солувчи ваколатли органлар биржа лицензиясининг амал

Қирқиш чизиғи

тўғрисида, монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузувчи ўзлари қабул қилган қарорларни, ҳужжатларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ва берилган кўрсатмаларнинг ижросини назорат қилиш»;

бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«хўжалик юритувчи субъектлардан монополистик фаолият натижасида асоссиз олинган даромадни (фойдани) олиб қўйиш ва жарима солиш ҳақида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарор қабул қилиш»;

3) **18-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Монополияга қарши давлат органи қуйидаги қоидабузарликлар учун хўжалик юритувчи субъектларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарималар солишга ҳақлидир:

1) монополияга қарши қонун ҳужжатлари бузилишларини тугатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш, шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик учун, шунингдек монополияга қарши давлат органининг олдиндан розилигини олмай туриб, ушбу қонун 15-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатларни амалга оширганлик ёки битимлар тузганлик учун қуйидаги миқдорларда:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ва юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектларга — энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда ва етказилган зарарнинг беш фоизи миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўп бўлмаган миқдорда;

жисмоний шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектларга — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда;

2) монополияга қарши давлат органига ахборот тақдим этмаганлик ёки атайлаб нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун қуйидаги миқдорларда:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ва юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектларга — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда;

жисмоний шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектларга — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда;

3) хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклашга олиб келган келишуви (келишилган ҳаракатлари) учун қуйидаги миқдорларда:

Бўклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида:

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадилар;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиши масалалари юзасидан расмий тушунтиришлар берадилар;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш аломатлари аниқланган тақдирда, ишлаб чиқарувчидан (ижрочидан, сотувчидан) зарур ҳужжатлар, тушунтиришларни ва бошқа ахборотни сўраб оладилар;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини бузаётган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ишлаб чиқарувчига (ижрочига, сотувчига) кўрсатма юборадилар;

истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат этишга ҳақлидирлар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадилар»;

6) **27-модданинг:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳририда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари ишлаб чиқарувчига (ижрочига, сотувчига):

қонун ҳужжатларида яроқлилик муддати кўрсатилиши шарт эканлиги белгиланганлигига қарамай яроқлилик муддати кўрсатилмаган товарларни реализация қилиш учун қабул қилганлик ва сотганлик учун товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи тегишли давлат бошқаруви органларининг ушбу товарларнинг истеъмол (фойдаланиш) учун яроқлилиги тўғрисидаги хулосаси олинган тақдирда, реализация қилиш учун қабул қилинган товарлар ҳажмининг беш фоизи ва ушбу товарларнинг истеъмол (фойдаланиш) учун яроқсизлиги тўғрисидаги хулосаси олинган тақдирда, реализация қилиш учун қабул қилинган товарлар ҳажмининг юз фоизи миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўп бўлмаган миқдорда;

яроқлилик муддати ўтган товарларни реализация қилиш учун қабул қилганлик ва сотганлик учун — реализация қилиш учун қабул қилинган товарлар ҳажмининг юз фоизи миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан кўп бўлмаган миқдорда;

истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги ўз кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик

Бўклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

активлари суммасининг жами йигирма фоизидан ортиқ миқдорда жарима ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади».

30-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган **«қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 262-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 173-модда) **9-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳририда баён этилсин:

«инвесторларнинг ҳуқуқларини бузган ёки ўз ҳаракатлари билан инвесторларнинг ҳуқуқлари бузилишига таҳдид солувчи инвестиция институтига қимматли қоғозлар бозорида айрим операциялар ўтказишни фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда ўз ваколатлари доирасида ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаб қўйиш. Қимматли қоғозлар бозорида айрим операциялар ўтказилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга чеклаш ёки тақиқлаш суд тартибида амалга оширилади».

31-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган 353-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 63-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **19-модданинг олтинчи хатбошиси** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъектларининг шаҳарсозлик фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш ва тақиқлаш суд тартибида амалга оширилади, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб қўйиш ҳоллари мустасно»;

2) **20-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъектларининг шаҳарсозлик фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш ва тақиқлаш суд тартибида амалга оширилади, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг

Лицензияни бекор қилиш ушбу модданинг биринчи қисми тўртинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолда суд қарорига, бошқа ҳолларда эса, лицензияловчи органнинг қарорига биноан амалга оширилади.

Лицензияловчи органнинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади. Лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги суд қарори лицензиатга ва лицензияловчи органга қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади. Лицензиат лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичида лицензия лицензияловчи органга қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

Лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, лицензия у берилган санадан эътиборан бекор қилинган деб ҳисобланади.

Лицензияловчи органнинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Суд лицензиянинг бекор қилинишини асоссиз деб топган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади».

29-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган **«Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»**ги 173–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1–2, 21-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 411-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг биринчи қисмидаги** «маъмурий» деган сўз «белгиланган» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **8-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларига жарима солиш суд томонидан, улар содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлган ва жарималарни ихтиёрий равишда тўлаган ҳолларда эса, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади»;

3) **9-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларининг охирги ҳисобот санасидаги жорий

Буклаш чизиғи

қилишини ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туришга ёки биржа лицензиясининг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёхуд унинг амал қилишини тугатиш тўғрисида судга мурожаат этишга ҳақлидир».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган **«Давлат санитария назорати тўғрисида»**ги 657–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 355-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2000 йил, № 7–8, 217-модда) **27-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш суд тартибида амалга оширилади, фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»**ги 734–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган 78–II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5–6, 149-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **10-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказиладиган мажбурий аудиторлик текширувидан бош тортиш хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлланилишига сабаб бўлади. Хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин календарь йил тугагунига қадар мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш хўжалик юритувчи субъектдан энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ундиришга сабаб бўлади. Хўжалик юритувчи субъектнинг охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг жами йигирма фоизидан ортиқ миқдорда жарима ундириш унга ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади. Жаримани тўланиши хўжалик юритувчи субъектни мажбурий аудиторлик текширувидан ўтишдан озод қилмайди»;

2) **21-модда иккинчи қисмининг еттинчи**

Қирқиш чизиғи

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 221–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 59-модда; 2002 йил, № 4–5, 74-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **1-модда** қуйидаги мазмундаги **ўн саккизинчи** ва **ўн тўққизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«товарни (ишни, хизматни) истеъмолчидан қайтариб олиш — агар товар (иш, хизмат) истеъмолчи мулкига айланган ёки унга таклиф этилган бўлса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан амалга оширилади, товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хавфсизлиги талабларига мос бўлмаган товарни (ишни, хизматни) қайтариб олишга қаратилган ҳар қандай чора;

товарни (ишни, хизматни) муомаладан чиқариш — ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан амалга оширилади, товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хавфсизлиги талабларига мос бўлмаган товарга (ишга, хизматга) офертани тугатиш ва бунга йўл қўймасликка қаратилган ҳар қандай чора»;

2) **6-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** «баҳоси» деган сўздан кейин «(тарифи)» деган сўз билан тўлдирилсин;

3) **12-модданинг саккизинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Зарар етказилишининг сабабларини бартараф этиш мумкин бўлмаган тақдирда, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) бундай товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаши, ишни бажариш ва хизмат кўрсатишни тугатиши шарт, бунда даволашга, озиқ-овқатга мўлжалланган товарлар ва маиший кимё товарлари сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи томонидан утилизация қилиниши шарт. Бу мажбуриятлар сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи (ижрочи) томонидан бажарилмаган тақдирда, товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, ишни бажариш ва хизмат кўрсатишни тўхтатиш, уларни муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари кўрсатмасига биноан амалга оширилади»;

4) **14-модданинг биринчи қисми** «товар сифатини» деган сўзлардан кейин «сотувчи (ишлаб чиқарувчи) томонидан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **25-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат

Буклаш чизиғи

юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектларга — энг кам иш ҳақининг олтмиш бараваридан саксон бараваригача миқдорда ва етказилган зарарнинг беш фоизи миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг юз эллик бараваридан кўп бўлмаган миқдорда;

жисмоний шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектларга — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда.

Жарима солиш суд томонидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки хўжалик юритувчи субъект содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса, монополияга қарши давлат органи томонидан амалга оширилади.

Жарима давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки хўжалик юритувчи субъект томонидан монополияга қарши давлат органининг жарима солинганлиги тўғрисидаги қарори олинган пайтдан эътиборан ўттиз кун муддатда тўланади ва бюджетга ўтказилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг жами йигирма фоизидан ортиқ миқдорда жарима ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади.

Жарима тўлаш монополияга қарши давлат органининг қарори ёки кўрсатмасини бажариш ёки монополияга қарши қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни бажариш мажбуриятидан озод қилмайди».

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4–5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4–5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 310, 311, 312, 313-моддалар, № 12, 415, 416-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар кири-

Қирқиш чизиғи

ўтказиш;

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун берилган лицензияни (рухсатномани) ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб қўйиш ёки унинг амал қилишини тугатиш ва лицензияни (рухсатномани) бекор қилиш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар бундан мустасно)».

28-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган **«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»**ги 71–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5–6, 142-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **22-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги аниқланганда;

лицензияловчи органнинг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини лицензиат зиммасига юкловчи қарори лицензиат томонидан бажарилмаганда.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш лицензияловчи орган ёки суд томонидан амалга оширилади. Лицензиянинг амал қилиши лицензияловчи орган томонидан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга, суд томонидан эса ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги суд қарори лицензиатга ва лицензияловчи органга қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.

Лицензияловчи орган ёки суд лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиши учун муддат белгилаши шарт. Бунда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиши учун суд қарорида белгиланган муддат олти ойдан кўп бўлиши мумкин эмас.

Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этган тақдирда, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилган лицензияловчи орган ёки суд кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлиги

Буклаш чизиғи

тиклаш тўғрисидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Махсус ваколатли давлат органининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Суд лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришни асоссиз деб топган тақдирда, махсус ваколатли давлат органи аудиторлик ташкилоти олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади»;

4) **23-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

аудиторлик ташкилоти лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

аудиторлик ташкилоти тугатилганда;

аудиторлик ташкилотининг фаолияти у қайта ташкил этилиши натижасида тугатилганда, унинг ўзгартирилиши бундан мустасно;

аудиторлик ташкилоти лицензия талаблари ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда;

аудиторлик ташкилоти лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни махсус ваколатли давлат органи ёки суд белгилаган муддатда бартараф этмаганда;

махсус ваколатли давлат органининг лицензия бериш тўғрисидаги қарори қонунга хилоф эканлиги аниқланганда.

Ушбу модда биринчи қисмининг бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда лицензиянинг амал қилишини тугатиш суд қарорига, бошқа ҳолларда эса махсус ваколатли давлат органи қарорига биноан амалга оширилади.

Махсус ваколатли давлат органининг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори аудиторлик ташкилотига ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги суд қарори аудиторлик ташкилотига ва махсус ваколатли давлат органига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади. Аудиторлик ташкилоти лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичида лицензия махсус ваколатли давлат органига қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Лицензиянинг амал қилиши унинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан тугатилади»;

Қирқиш чизиғи

қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»**ги 216–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 54-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда) **29¹-моддасининг номи, биринчи** ва **иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29¹-модда. Банкларнинг молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналар банк ҳисобварақлари бўйича ахборот тақдим этиш мажбурияти

Корхоналар олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик корхоналари эса уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ҳолларда, деҳқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно, банклар бундай корхоналар тўғрисидаги ахборотни улар ҳисобга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органига тегишли чоралар кўриш учун тақдим этишлари шарт.

Банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисида суд қарори мавжуд бўлган тақдирда, корхоналарнинг ёпилаётган ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиқлари банк томонидан фойдаланиш ҳуқуқисиз махсус ҳисобварақларга киритиб қўйилади, корхонанинг тўланиши учун банкка тақдим этилган кредиторлик қарзи эса, кўзда тутилмаган ҳолатларнинг алоҳида ҳисобварағига ўтказилади».

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»**ги 218–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 56-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда) **31-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда, қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчиларига нисбатан:

мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилган қоидабузарликларни тугатиш тўғрисидаги кўрсатмани бажаришдан бўйин товлаганлик учун — энг кам иш ҳақининг 40 бараваридан 70 бараваригача

Буклаш чизиғи

да;

агар фаолият ўттиз кундан ортиқ амалга оширилаётган бўлса — энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида, бироқ бундай фаолият натижасида олинган даромаднинг (фойданинг) эллик фоизидан кам бўлмаган миқдорда жарима солишга олиб келади;

2) қонуний келиб чиқиши тасдиқланган ҳолларни истисно этганда, кирим қилинмаган товарлар сақланган ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум яширилган (камайтириб кўрсатилган) тақдирда, солиқ тўловчидан кирим қилинмаган товар қиймати ёхуд яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммаси ундирилади;

3) маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилган, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш учун зарур бўлган декларация, ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни тақдим этмаганлик, ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этганлик учун солиқ тўловчидан тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тегишли сумманинг бир фоизи миқдорида, бироқ тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисоблаб чиқарилган тўловлар чегириб ташланган ҳолда белгиланган тўлов муддатига тегишли тўлов суммасининг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима ундирилади;

4) бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки уни белгиланган тартибни ҳисоблаб чиқарилиши лозим бўлган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаб бўлмайдиган даражада бузиб юритганлик учун солиқ тўловчи юридик шахсдан айланма сумманинг бир фоизи миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кўп бўлмаган миқдорда жарима ундирилади. Бунда солиқ тўловчи юридик шахс бухгалтерия ҳисобини қайта тиклаш мажбуриятидан озод қилинмайди;

5) фаолият турлари билан лицензиясиз шуғулланганлик учун солиқ тўловчидан уларни амалга оширганлик муносабати билан тўланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар чегириб ташланган ҳолда, ана шу фаолият турларини амалга оширишдан олинган бутун даромад (фойда) ундирилади;

6) солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,05 фоиз миқдорида пеня ҳисоблаб чиқарилади, тўлов куни ҳам шунга киради. Тадбиркорлик субъекти томонидан ортиқча тўланган суммаларга тенг бўлган қарздорлик суммасига пеня ҳисоблаб чиқарилмайди. Пеня миқдори тадбиркорлик субъектининг тегишли солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлари суммасидан кўп бўлиши мумкин эмас. Пеня тўлаш тадбиркорлик

Қирқиш чизиғи

кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриши мумкин.

Лицензияловчи орган ёки суд лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиши учун муддат белгилаши шарт. Бунда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиши учун суд қарорида белгиланган муддат олти ойдан кўп бўлиши мумкин эмас.

Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этган тақдирда, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилган лицензияловчи орган ёки суд кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги тасдиқномани олган кундан эътиборан лицензиянинг амал қилишини тиклаш тўғрисида ўн кун муддат ичида қарор қабул қилиши шарт»;

2) **9¹-модданинг:**

биринчи қисми бешинчи хатбошисидаги «лицензияловчи орган белгилаган муддат» деган сўзлар «суд ёки лицензияловчи орган белгилаган муддат» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензиянинг амал қилишини тугатиш ушбу модда биринчи қисмининг тўртинчи — саккизинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда суд қарорига, бошқа ҳолларда эса, лицензияловчи органнинг қарорига биноан амалга оширилади»;

тўртинчи қисми биринчи хатбошисидаги «лицензияни берган орган томонидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи, олтинчи ва **еттинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензияни бекор қилиш ушбу модда тўртинчи қисмининг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолда суд қарорига, бошқа ҳолларда эса, лицензияловчи органнинг қарорига биноан амалга оширилади.

Лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, лицензия берилган санадан эътиборан бекор қилинган деб ҳисобланади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тугатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги суд қарори лицензиатга ва лицензияловчи органга қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади. Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тугатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичида ли-

Буклаш чизиғи

йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **10-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Атроф муҳитга зарар етказаётган тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган маҳаллий аҳамиятга молик объектларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш (фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно) ёки тугатиш ва қайта ихтисослаштириш, шунингдек уларга берилган табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига доир рухсатномани бекор қилиш суд тартибида амалга оширилади»;

2) **48-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Кўрсатилган чоралар тадбиркорлик субъектларига нисбатан суд тартибида қўлланилади, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари мустасно»;

3) **50-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Кўрсатилган чора тадбиркорлик субъектларига нисбатан суд тартибида қўлланилади, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда хўжалик фаолиятини молиялаштиришни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари мустасно».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган **«Стандартлаштириш тўғрисида»**ги 1002–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 2, 46-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда) **9-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

иккинчи қисмнинг иккинчи хатбошисидаги «монеликсиз кириш» деган сўзлар «белгиланган тартибда кириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жарима солиш суд томонидан, хўжалик фаолияти субъекти содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат инспектори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят-

Қирқиш чизиғи

дан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227²⁴-модда. Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилган, шартли равишда чиқарилган товарлар ва транспорт воситаларидан фойдаланиш ҳамда уларни тасарруф этиш тартибини бузиш

Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилган, шартли равишда чиқарилган товарлар ва транспорт воситаларидан имтиёзлар берилишига сабаб бўлганидан бошқа мақсадларда божхона органининг рухсатисиз фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227²⁵-модда. Божхона тўловларидан ғайриқонуний озод қилишга, уларни камайтиришга, тўланган божхона тўловларини қайтариб олиш, тўловлар ва бошқа ҳақни олишга ёхуд етарли асосларсиз уларни қайтармасликка қаратилган хатти-ҳаракатлар

Божхона декларацияси ва бошқа ҳужжатларда божхона тўловларидан озод қилиш ёки уларнинг миқдорини камайтириш учун асос бўладиган нотўғри маълумотларни кўрсатиш, ушбу Кодекснинг 227²⁰-моддаси ва 227²¹-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, агар жиноят аломатлари бўлмаса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тўланган божхона тўловларини қайтариб олиш, тўловларни ва бошқа ҳақни олиш ҳуқуқини берадиган нотўғри маълумотлардан иборат ҳужжатларни божхона органига тақдим этиш ёки етарли асосларсиз уларни қайтармаслик ёхуд бу тўловларни ва бошқа ҳақни тўлиқ бўлмаган ҳажмда қайтарганлик, агар жиноят аломатлари бўлмаса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227²⁶-модда. Божхона тўловларини тўлаш муддатларини бузиш

Божхона тўловларини белгиланган муддатларда тўламаслик, агар жиноят аломатлари бўлмаса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима со-

Буклаш чизиғи

рилсин:

«Тадбиркорлик субъектининг охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг жами йигирма фоизидан ортиқ миқдордаги қўшимча ҳисоблаб чиқарилган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳамда қўлланилган молиявий жазо чораларини ундириш тадбиркорлик субъектига ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади».

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган **«Табиий монополиялар тўғрисида»**ги 398–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган 815–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 212-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг бешинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

2) **4-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Табиий монополия субъектларининг фаолияти қуйидаги соҳаларда давлат томонидан тартибга солинади:

нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувур орқали транспортировка қилиш;

электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда транспортировка қилиш;

темир йўллар инфратузилмасидан фойдаланиш;

умумий эркин фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари;

сув қувурлари ва канализация хизмати;

аэронавигациялар, портлар ва аэропортлар хизматлари.

қуйидагилар табиий монополия субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солувчи органлардир:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган орган (бундан буён матнда ваколатли орган деб юритилади).

Табиий монополия шароитида ишлаб чиқариладиган (реализация қилинадиган) товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати ваколатли орган томонидан белгиланади»;

3) **10-модда:**

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«табиий монополия субъекти содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлмаган ва жаримани ихтиёрий тартибда тўламаган тақдирда, табиий мо-

тилсин:

1) **4-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча шубҳали, зиддиятли қоидалар ва ноаниқликлар солиқ тўловчи тадбиркорлик субъекти фойдасига талқин қилинади»;

2) **133-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Солиқ тўловчи тадбиркорлик субъекти солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлик натижасида содир этилган ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини материаллар судга топширилган кундан эътиборан бир ой ичида ихтиёрий равишда қоплаган ва унинг оқибатларини бартараф этган, шу жумладан пеня тўлаган тақдирда, унга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилишидан озод қилинади»;

3) **134-модда:**

иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектлари содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлмаган ва молиявий жазо чоралари суммаларини ихтиёрий равишда тўлашни рад этган тақдирда, уларга нисбатан молиявий жазо чораларини қўллаш, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня ҳисоблаб чиқаришни истисно этган ҳолда, суд тартибида амалга оширилади»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи** қисм билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъектининг судга даъво аризаси бериши текширувлар далолатномаси бўйича чиқарилган, шикоятга сабаб бўлган қарорнинг ҳисоблаб чиқарилган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасига доир қисмининг ижросини тўхтатиб қўяди»;

4) **135-модда:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун солиқ тўловчига нисбатан қуйидаги миқдорларда молиявий жазо чоралари қўлланилади:

1) юридик шахсларнинг (шу жумладан норезидентларнинг, бундан резидент тижорат ташкилотлари мустасно) солиқ органида ҳисобга олинишдан бўйин товлаши:

агар фаолият ўттиз кунгача амалга оширилган бўлса — энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида, бироқ бундай фаолият натижасида олинган даромаднинг (фойданинг) ўн фоизидан кам бўлмаган миқдор-

Буклаш чизиғи

миқдорда;

эмитентлар томонидан қимматли қоғозлар чиқаришнинг белгиланган тартиби инвесторларга зарар етказилишига олиб келадиган тарзда бузилганлиги учун — қимматли қоғозлар чиқариш ҳажмининг беш фоизи миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг 100 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда;

қимматли қоғозларга доир битимлар тузиш ва уларни рўйхатдан ўтказишнинг белгиланган тартиби қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан бузилганлиги учун — қимматли қоғозларга доир битим суммасининг беш фоизи миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг 75 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда, мазкур қоидабузарлик такрор содир этилган тақдирда, қимматли қоғозларга доир битим суммасининг ўн фоизи миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг 100 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда;

атайин нотўғри маълумотлар тарқатиш (тақдим этиш) йўли билан инвесторлар ва назорат органларини чалғитганлик учун — энг кам иш ҳақининг 300 бараваридан 400 бараваригача миқдорда жарима солишдан иборат иқтисодий жазо чоралари қўлланилади.

Иқтисодий жазо чораларини қўллаш суд томонидан, қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлган ва жазо чоралари суммасини ихтиёрий равишда тўлаган ҳолларда эса, ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг жами йигирма фоизидан ортиқ миқдорда қўлланилган иқтисодий жазо чораларини ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади».

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»**ги 220–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 58-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 410-модда) **25-моддасининг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, Бош дирекция юридик ёки жисмоний шахснинг фаолиятини тугатиш ва уларга берилган гувоҳномани бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилишга ҳақли».

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Истеъмолчиларнинг**

Қирқиш чизиғи

хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аудиторлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туради, аудиторлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёки унинг амал қилишини тугатиш ҳамда лицензияни бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилади, шунингдек лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади»;

3) **22-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

аудиторлик ташкилоти лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги аниқланганда;

махсус ваколатли давлат органининг аудиторлик ташкилоти зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарори аудиторлик ташкилоти томонидан бажарилмаганда.

Махсус ваколатли давлат органининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори аудиторлик ташкилотига ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги суд қарори аудиторлик ташкилотига ва махсус ваколатли давлат органига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.

Махсус ваколатли давлат органи ёки суд лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиши учун аудиторлик ташкилотига муддат белгилаши шарт. Махсус ваколатли давлат органи лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга, суд эса ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриши мумкин. Бунда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиши учун суд қарорида белгиланган муддат олти ойдан кўп бўлиши мумкин эмас.

Аудиторлик ташкилоти лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этган тақдирда, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилган махсус ваколатли давлат органи ёки суд кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги тасдиқномани олган кундан эътиборан лицензиянинг амал қилишини тиклаш тўғрисида ўн кун муддат ичида қарор қабул қилиши шарт.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва

Буклаш чизиғи

тўғрисидаги тасдиқномани олган кундан эътиборан лицензиянинг амал қилишини тиклаш тўғрисида ўн кун муддат ичида қарор қабул қилиши шарт.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Суд лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришни асоссиз деб топган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклаш тўғрисидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак»;

2) **23-модданинг:**

иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Лицензиянинг амал қилишини тугатиш лицензияловчи орган қарорига биноан амалга оширилади, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш ушбу модданинг биринчи қисми олтинчи — саккизинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда суд тартибида амалга оширилади, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно»;

учинчи — олтинчи қисмлари тегишли тартибда **тўртинчи — еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги суд қарори лицензиатга ва лицензияловчи органга қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади. Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичида лицензия лицензияловчи органга қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак»;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак»;

3) **24-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензия қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

ушбу Қонун 16-моддасининг тўққизинчи қисмида назарда тутилган ҳолда;

лицензиат лицензияни бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

Қирқиш чизиғи

субъектини солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди;

7) ҳисобварақ-фактураларни:

белгиланган тартибни солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тушмаслигига олиб келган даражада бузиб расмийлаштирганлик учун маҳсулот етказиб берувчилардан келиб тушмаган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасига ҳисоблаб чиқарилган пеня ундирилади;

товарлар (ишлар, хизматлар) қўшилган қиймат солиғи тўловчилар бўлмаган маҳсулот етказиб берувчилар томонидан реализация қилинаётганда ҳисобварақ-фактурада қўшилган қиймат солиғини акс эттирган ҳолда расмийлаштирганлик учун маҳсулот етказиб берувчилардан ноқонуний кўрсатилган солиқ суммаси ва ушбу сумманинг йигирма фоизи миқдорида жарима ундирилади. Бунда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) харидорлари қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет билан қайта ҳисоб-китоб қилмайдилар ва уларга нисбатан жарима жазолари қўлланилмайди;

8) ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ўлчамдаги ер майдонларидан фойдаланганлик учун қуйидаги миқдорда жарима ундирилади: юридик шахслардан ер солиғига тенг сумманинг икки баравари миқдорида, жисмоний шахслардан эса бир ярим баравари миқдорида;

9) назорат-касса машиналарини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, шунингдек харидорга квитанция ёзиб бериш, талон ёки унга тенглаштирилган бошқа чекларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик учун — солиқ тўловчидан энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда, ўша қилмишлар жарима қўлланиганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилган тақдирда эса энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ундирилади;

10) назорат-касса машиналарини рўйхатдан ўтказмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик, фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик учун — юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлардан энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида, ўша қилмишлар такроран содир этилган тақдирда эса энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорида жарима ундирилади»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлди-

Буклаш чизиғи

лишга сабаб бўлади.

227[27]-модда. Божхона брокери ёки божхона ташувчиси сифатидаги фаолият шартларини бузиш

Божхона брокери ёки божхона ташувчиси сифатидаги фаолият шартларини бузиш, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **245-модданинг биринчи қисми** «173» рақамидан кейин «174[1]» рақами билан тўлдирилсин, «227» рақами эса «227[4]-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 227[8], 227[9], 227[13], 227[14]-моддаларида, 227[15]-моддасининг биринчи қисмида, 227[16], 227[17], 227[18], 227[19], 227[20], 227[21], 227[22], 227[23], 227[24], 227[25], 227[26], 227[27]-моддаларида » деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **262-модданинг биринчи қисмидаги** «227-моддасида» деган сўзлар «227, 227[1], 227[2], 227[3]-моддаларида, 227[4]-моддасининг учинчи қисмида, 227[5], 227[6], 227[7], 227[10], 227[11], 227[12]-моддаларида, 227[15]-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **287-модданинг 6-банди** «227» рақамидан кейин «227[1] — 227[27]» рақамлари билан тўлдирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган **«Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида»**ги 177–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 267-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъекти томонидан ортиқча тўланган суммаларга тенг бўлган қарздорлик суммасига пеня ҳисоблаб чиқарилмайди. Ортиқча тўланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммасининг мавжудлиги солиқ органлари томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Пеня миқдори тадбиркорлик субъектининг тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги суммасидан ортиқ бўлиши мумкин эмас»;

2) **4-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъектининг охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг жами йигирма фоизидан ортиқ бўлган, муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор

Қирқиш чизиғи

5) **24-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензия қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

аудиторлик ташкилоти лицензияни бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда;

агар аудиторлик ташкилоти лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақида хабарнома юборилган (топширилган) пайтдан эътиборан уч ой ичида махсус ваколатли давлат органига лицензия берганлик учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган ёки лицензия шартномасини имзоламаган бўлса.

Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолда лицензияни бекор қилиш суд қарорига, бошқа ҳолларда эса махсус ваколатли давлат органининг қарорига биноан амалга оширилади.

Махсус ваколатли давлат органининг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори аудиторлик ташкилотига ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади. Лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги суд қарори аудиторлик ташкилотига ва махсус ваколатли давлат органига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади. Аудиторлик ташкилоти лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичида лицензия махсус ваколатли давлат органига қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

Лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, лицензия у берилган санадан эътиборан бекор қилинган деб ҳисобланади.

Махсус ваколатли давлат органининг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Суд лицензияни бекор қилишни асоссиз деб топган тақдирда, махсус ваколатли давлат органи аудиторлик ташкилоти олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги 754–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003

Буклаш чизиғи

цензия лицензияловчи органга қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак».

26-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган **«Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»**ги 826–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 223-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда) **6-моддаси биринчи қисмининг саккизинчи хатбошиси** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тақиқлаш ва чеклаш суд тартибида амалга оширилади, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, шунингдек тадбиркорлик субъектининг содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлганлиги ва молиявий жазо чоралари суммаларини ихтиёрий равишда тўлаганлиги ҳоллари мустасно;

банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, бундан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг аниқланган ҳоллари мустасно;

молиявий жазо чораларини қўллаш, бундан солиқлар ва йиғимларни тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня ҳисоблаб чиқариш, шунингдек тадбиркорлик субъектининг содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлганлиги ва молиявий жазо чоралари суммаларини ихтиёрий равишда тўлаганлиги ҳоллари мустасно;

ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига

Қирқиш чизиғи

нополия субъектига жарима солиш ҳақида судга мурожаат қилади»;

еттинчи ва **саккизинчи хатбошилари** тегишинча **саккизинчи** ва **тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

4) **16-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«табиий монополия соҳасига киритилмаган товарлар (ишлар, хизматлар) бозоридаги рақобатни чеклаш учун табиий монополия ҳолатидан фойдаланиш».

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»**ги 415–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4–5, 120-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модданинг:**

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«белгиланган тартибда фармацевтика фаолиятини лицензиялашни амалга ошириши»;

ўнинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келадиган дори воситалари тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйиш (дори воситалари тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно) суд тартибида амалга оширилади»;

2) **7-модданинг учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

3) **8-моддадаги** «лицензияга эга бўлган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **12-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларга сотиш ҳуқуқига эга.

Улгуржи савдо корхоналари ва ташкилотлари дори воситаларини ҳамда тиббий буюмларни дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчилардан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган дори-дармонларни етказиб берувчи улгуржи савдо корхоналари ва ташкилотларидан, шунингдек хорижий фирмалардан олиш ҳуқуқига эга. Улгуржи савдо корхоналари ва ташкилотлари дори воситалари ҳамда тиббий буюмларни юридик ва жисмоний

Буклаш чизиғи

бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227[22]-модда. Товарларни декларацияламаслик ёки нотўғри декларациялаш

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларни декларацияламаслик ёки нотўғри декларациялаш, яъни товарлар, уларнинг божхона режими ва бошқалар ҳақида божхона мақсадлари учун зарур бўлган белгиланган ёзма, оғзаки ёки бошқа шаклдаги маълумотларни бермаслик ёхуд нотўғри маълумотлар бериш, ушбу Кодекснинг 227[7], 227[10], 227[19], 227[20], 227[21]-моддаларида ва 227[25]-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, агар жиноят аломатлари бўлмаса, —

фуқароларга товарларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Нотўғри маълумотларни кўрсатиш, бу маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш, уларни талаб этилаётган божхона режимига жойлаштириш, божхона тўловлари миқдори тўғрисида божхона органи томонидан қарор қабул қилинишига таъсир этмаган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227[23]-модда. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига божхона қоидаларини бузган ҳолда олиб кирилган товарлар ва транспорт воситаларини ташиш, сақлаш, сотиб олиш, улардан фойдаланиш ёки уларни тасарруф этиш

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига божхона назоратини четлаб ўтиб ёхуд божхона назоратидан яшириб ёхуд ҳужжатлар ёки қиёслаш воситаларидан алдов йўли билан фойдаланиб олиб кирилган ёхуд декларацияланмаган ёки нотўғри декларацияланган ҳолда олиб кирилган товарлар ва транспорт воситаларини ташиш, сақлаш, сотиб олиш, шунингдек ушбу товарлар ва транспорт воситаларидан фойдаланиш ёки уларни тасарруф этиш, худди шунингдек бож тўловлари бўйича имтиёзлар берилган, бундай имтиёзлар берилишига сабаб бўлганидан бошқа мақсадларда фойдаланилаётган ёхуд тасарруфдан чиқарилаётган товарлар ва транспорт воситаларини божхона органининг рухсатисиз ташиш, сақлаш ва сотиб олиш, –

фуқароларга товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш баравари-

Қирқиш чизиғи

лар, Тошкент шаҳар бош давлат инспекторлари томонидан амалга оширилади»;

бешинчи ва **олтинчи қисмлар** тегишинча **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган **«Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»**ги 1006–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 2, 50-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7–8, 217-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда) **23-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган, аммо сертификатланмаган маҳсулотни реализация қилганлик учун тайёрловчига (тадбиркорга) реализация қилинган маҳсулот қиймати миқдорида жарима солинади. Жарима суд қарорига асосан, тайёрловчи (тадбиркор) содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса, мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилиш қонун ҳужжатлари билан зиммасига юкланган давлат бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг қарорига биноан ундирилади. Тайёрловчининг (тадбиркорнинг) охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг жами йигирма фоизидан ортиқ миқдорда жарима ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади. Жаримани тўланиши тайёрловчини (тадбиркорни) мажбурий сертификатлаштириш ўтказишдан озод қилмайди».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Буклаш чизиғи

реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмани ўз муддатида бажармаганлик учун юридик шахслар — энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда, жисмоний шахслар эса — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда.

Тадбиркорлик субъектларига жарима солиш суд томонидан, улар содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса, ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади. Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун тадбиркорлик субъектининг охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг жами йигирма фоизидан ортиқ миқдорда жарима ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади».

24-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган **«Ўрмон тўғрисида»**ги 770–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 122-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда) **11-моддасининг бешинчи хатбошиси** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъекти фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш (фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно) ёки тугатиш суд тартибида амалга оширилади».

25-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган **«Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»**ги 813–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 210-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **9-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги аниқланганда;

лицензияловчи органларнинг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини лицензиат зиммасига юкловчи қарорлари лицензиат томонидан бажарилмаганда.

Лицензиянинг амал қилишини лицензияловчи орган ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга, суд эса ўн иш

тон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 10-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда) **26-моддасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

иккинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Инвестиция фаолиятини чеклаб қўйиш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги қарор:

инвестор қонунда белгиланган тартибда банкрот деб эълон қилинган ёки топилган;

фавқулодда вазиятлар юзага келган;

инвестиция фаолияти жараёнида қонун ҳужжатларида белгиланган санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шаҳарсозликка оид ва бошқа талаблар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланган ҳолларда қабул қилиниши мумкин»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъекти фаолиятини тўхтатиб туриш ёки тугатишга олиб келадиган инвестиция фаолиятини чеклаб қўйиш, тўхтатиб туриш (фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда инвестиция фаолиятини ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно) ёки тугатиш суд тартибида амалга оширилади»;

учинчи қисм тегишинча **тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин.

23-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Реклама тўғрисида»**ги 723-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 14-модда; 2002 йил, № 9, 164-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда) **29-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29-модда. Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Реклама берувчилар, реклама тайёрловчилар ва тарқатувчилар ваколатли давлат органи томонидан қуйидаги миқдорларда жаримага тортилиши мумкин:

нотўғри реклама берганлик учун юридик шахслар — энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда, жисмоний шахслар эса — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда;

палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **174¹-модда** билан тўлдирилсин:

«174¹-модда. Қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Эмитентлар ва қимматли қоғозлар тўғрисидаги ахборотни, ҳисоботларни эълон қилмаслик ёки ўз вақтида эълон қилмаслик, шунингдек давлат назорати органларига ҳисоботлар ёхуд ахборотни топширмаслик ёки ўз вақтида топширмаслик, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Эмитентлар томонидан қимматли қоғозлар чиқариш тартибини бузиш инвесторлар манфаатларига зарар етказмаган бўлса, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Инвесторлар, қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялар бўйича ҳисоб ва ҳисоботнинг белгиланган тартибини бузиш, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тегишли даромадларни инвесторларга тўламаслик ёки тўлиқ тўламаслик, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ваколатли давлат органининг ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **227-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«227-модда. Божхона назорати зонаси режимининг бузилиши

Божхона органининг рухсатисиз божхона назорати зонаси чегараси орқали ва унинг доирасида товарлар, транспорт воситалари ва шахсларни олиб ўтиш ёки божхона назорати зонаси режимини бузувчи бошқа хатти-ҳаракатлар содир этиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) қуйидаги мазмундаги **227¹–227²⁷-моддалар** билан тўлдирилсин:

бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227²⁰-модда. Тижорат мақсадлари учун мўлжалланмаган товарлар ниқоби остида Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш

Ушбу Кодекс 227²⁵-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали аслида ишлаб чиқариш ёки тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни тижорат мақсадлари учун мўлжалланмаган товарлар ниқоби остида олиб ўтиш, агар жиноят аломатлари бўлмаса, —

фуқароларга товарларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227²¹-модда. Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган тартибни бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиш

Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали божхона назоратини четлаб, яъни божхона органлари томонидан белгиланган жойларни четлаб ёки божхона расмийлаштирувининг белгиланган вақтидан ташқари пайтда олиб ўтиш, агар жиноят аломатлари бўлмаса, —

фуқароларга товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларни божхона назоратидан яшириш, яъни хуфядонлардан ёки товарларни топишни қийинлаштирадиган бошқа усуллардан фойдаланиш ёхуд бир товарни бошқа товарга ўхшаш қилиб қўйиш, агар жиноят аломатлари бўлмаса, —

фуқароларга товарларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳужжатлардан ёки қиёслаш воситаларидан алдов йўли билан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, ушбу Кодекснинг 227²²-моддаси ва 227²⁵-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, агар жиноят аломатлари бўлмаса, —

фуқароларга товарларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш

шахсларга сотиш ҳуқуқига эга.

Дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, шунингдек улгуржи савдо корхоналари ҳамда ташкилотлари дори воситалари ва тиббий буюмларни намуналар сифатида дорихона муассасаларига, даволаш-касалликнинг олдини олиш муассасаларига, бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, шунингдек тиббиёт ва фармацевтика ўқув юртларига бериш ҳуқуқига эга. Намуналарни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади».

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган **«Давлат божхона хизмати тўғрисида»**ги 472-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 230-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модда биринчи қисмининг ўнинчи хатбошиси** «сақланганда уларни» деган сўзлардан кейин «(хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан суд тартибида)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **7-модда бешинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«хўжалик юритувчи субъектлар божхона тўловлари бўйича бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, бундай субъектларнинг ҳисоб-китоб рақамлари ва бошқа ҳисобварақларини суднинг қарорига биноан ёпадилар;

божхона тўловлари ва бундай тўловларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганлиги учун пеня суммаларини хўжалик юритувчи субъектлардан сўзсиз тартибда ундириб олиш тўғрисидаги божхона органларининг фармойишларини (инкассо топшириқларини) бажарадилар».

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган **«Давлат солиқ хизмати тўғрисида»**ги 474-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9–10, 182-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 312-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модда биринчи қисми:**

3-бандининг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

Буклаш чизиғи — Қирқиш чизиғи — Буклаш чизиғи — Қирқиш чизиғи — Буклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи — Қирқиш чизиғи

этилсин:

«Илгари олиб кирилган товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан белгиланган муддатларда ташқарига олиб чиқмаслик, агар уларни қайтариб олиб чиқиш шарт бўлса, жиноят аломатлари бўлмаган тақдирда, –

товарлар ва транспорт воситалари қийматининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Илгари олиб чиқиб кетилган товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига белгиланган муддатларда қайтариб олиб кирмаслик, агар уларни қайтариб олиб кириш шарт бўлса, жиноят аломатлари бўлмаган тақдирда, –

товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиб, улар қийматининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

11) **158-модданинг санкциясидаги** «воситаларини мусодара қилиб, улар» деган сўзлар «воситалари» деган сўз билан алмаштирилсин;

12) **159-модданинг:**

номи ва **диспозициясидаги** «товарлар ва транспорт воситаларини» деган сўзлар «товарларни» деган сўз билан алмаштирилсин;

санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«товарларни мусодара қилиб, улар қийматининг йигирма фоизидан эллик фоизигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

13) **163-моддадаги** «товарлар ва транспорт воситаларини» деган сўзлар «товарларни» деган сўз билан алмаштирилсин;

14) **164-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«164-модда. Товарларни декларацияламаслик ёки уларни нотўғри декларациялаш

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларни декларацияламаслик ёки уларни нотўғри декларациялаш, яъни товарлар, уларнинг божхона режими ва бошқалар ҳақида божхона мақсадлари учун керакли бўлган белгиланган ёзма, оғзаки ёки бошқа шаклдаги тўғри маълумотларни бермаслик ёхуд нотўғри маълумотлар бериш, ушбу Кодекснинг 159, 161–163 ва 167-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, агар жиноят аломатлари бўлмаса, –

товарларни мусодара қилиб, улар қийматининг эллик фоизидан юз фоизигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Нотўғри маълумотларни кўрсатиш, бу маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш, уларни талаб этилаётган божхона режимига жойлаштириш, божхона тўловлари миқдори тўғрисида Ўзбекистон Республикаси

ва уларнинг ҳужжатларини божхона органининг рухсатисиз бериш, уларни йўқотиш ёки етказиб бермаслик

Божхона назорати остида турган товарлар ва транспорт воситаларини божхона органининг рухсатисиз бериш, уларни йўқотиш ёки божхона органи белгилаган жойга етказиб бермаслик, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Божхона органига топшириш учун қабул қилинган, божхона назорати остида турган товарлар ва транспорт воситаларининг божхона ҳужжатлари ёки бошқа ҳужжатларини йўқотиш ёхуд етказиб бермаслик, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Товарлар, транспорт воситалари ва уларнинг ҳужжатларини етказиб беришнинг божхона органи томонидан белгиланган муддатига риоя қилмаслик, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227⁵-модда. Транспорт воситасини тўхтатмаслик ёки божхона органининг рухсатисиз жўнатиб юбориш

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтаётган транспорт воситасини божхона органи томонидан белгиланадиган жойда тўхтатмаслик, шунингдек божхона назорати остида турган транспорт воситасини тўхтаб туриш жойидан божхона органининг рухсатисиз жўнатиб юбориш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227⁶-модда. Божхона назорати остида турган кема ва бошқа сузувчи воситалар ёнига келиб тўхташ

Кемалар ва бошқа сузувчи воситаларнинг божхона назорати остида турган кема ва бошқа сузувчи воситалар ёнига божхона органининг рухсатисиз келиб тўхташи, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227⁷-модда. Божхона расмийлаштирувини амалга ошириш тартибини бузиш

лишга сабаб бўлади.

227¹⁴-модда. Товарларни қайта ишлаш тартибини бузиш

Товарларни қайта ишлаш тартибини бузиш, яъни товарларни қайта ишлашда белгиланган талабларга, чеклашлар ва шартларга, шу жумладан қайта ишлаш муддатлари, қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш миқдори, товарларни қайта ишлаш бўйича операциялар ўтказиш тартиби тўғрисидаги талаблар, чеклашлар ва шартларга риоя этмаслик, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қайта ишлаш маҳсулотларини бошқа товарларга алмаштириб қўйиш, —

фуқароларга товарларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227¹⁵-модда. Эркин божхона зоналари ва эркин омборларда ишлаб чиқариш, тижорат ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тартибини бузиш

Эркин божхона зоналари ва эркин омборларда ишлаб чиқариш, тижорат ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тартибини бузиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Эркин божхона зонаси режими амал қилаётган ҳудудда Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида белгиланган тартибни бузган ҳолда бинолар, иморатлар ва иншоотлар барпо этиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227¹⁶-модда. Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқмаслик ёки уларни ушбу ҳудудга қайтариб олиб кирмаслик

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига илгари олиб кирилган товарлар ва транспорт воситаларини божхона ҳудудидан ташқарига белгиланган муддатларда олиб чиқмаслик, агар уларни қайтариб олиб чиқиш шарт бўлса, жиноят аломатлари бўлмаган тақдирда, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима

мотлар асосида берилган бўлиб, улар лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бўлса, лицензия суд томонидан, бошқа ҳолларда эса божхона органи қарори асосида бекор қилинади. Лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, лицензия у берилган санадан эътиборан бекор қилинган деб ҳисобланади.

Божхона органининг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади. Лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги суд қарори лицензиатга ва божхона органига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади. Лицензиат лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичида лицензия божхона органига қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак»;

2) **70-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

лицензиат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

юридик шахс тугатилганда у тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда эса, қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, унинг ўзгартирилиши бундан мустасно;

якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганда;

якка тартибдаги тадбиркорнинг муомала лаёқати белгиланган тартибда чекланганда ёки у муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

лицензиат лицензия талаблари ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда;

лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни суд ёки божхона органи белгилаган муддатда бартараф этмаганда;

божхона органининг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг ғайриқонунийлиги аниқланганда;

лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганда.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш ушбу моддa биринчи қисмининг олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда суд қарорига, бошқа ҳолларда эса, божхона органининг қарорига биноан амалга оширилади.

Божхона органининг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч

Дунё хавотирда

Расмий Пхеньяннинг маълум қилишича, Шимолий Корея дастлабки ядровий қурол синовини ўтказган. Хабарда халқаро огоҳлантиришларга қарамасдан, ер остида ўтказилган синовдан сўнг ташқарига радиация сизиб чиқмагани маълум қилинди. Портлаш юз берган пайтда Жанубий Корея, Япония ва Россия сейсмологлари ва ҳарбий мутахассислари ер силкинишини қайд этдилар.

Ушбу хабар дунёдаги кўплаб мамлакатлар томонидан хавотир билан кутиб олинди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши махсус йиғилишида Шимолий Кореяга нисбатан ишлаб чиқилган 13 банддан иборат резолюция лойиҳаси муҳокама қилинмоқда.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Самолётлар нега тўқнашиб кетди?

Хабарингиз бор, ўтган ой охирида Бразилиянинг Мато Гроссо штати ҳаво кенгликларида Boeing 737-800 самолёти Legacy 600 енгил самолёти билан тўқнашиб кетган ва оқибатда 154 киши қурбон бўлганди. Айни пайтда мазкур ҳалокат сабабларига ойдинлик киритилмоқда. Комиссиянинг дастлабки хулосаларига қараганда, америкалик учувчилар бошқариб бораётган Legacy 600 йўловчи самолёти Boeing 737-800 ҳаракатланаётган йўлдан чиқиб қолган. Манбада айтилишича, Legacy 600 самолёти 11 минг метр баландликда учиши лозим бўлган. Аммо номаълум сабабларга кўра, у 11 минг 300 метр баландликда парвоз қилган ва натижада фожиа содир бўлган.

Муаммоларни ҳал эта олмагач...

Airbus компаниясининг бош директори Кристиан Сртейфф истеъфога чиқди. Кристиан Стрейфф мазкур лавозимни эгаллаганига бор-йўғи уч ой бўлганди. Эндиликда Airbusни Луи Галлуа бошқаради. У олдин Франциядаги темир йўл компаниясининг бошлиғи эди.

Компания синовдан ўтган А380 самолёти учун 16 та авиакомпаниядан олинган 159 буюртмани бажариш учун катта маблағга эҳтиёж сезмоқда. Кристиан Стрейфф ушбу муаммони ҳал эта олмаганидан сўнг истеъфога чиқиш тўғрисидаги қарорга келди. Airbus 2010 йилдан бошлаб ўз харажатларини ҳар йили 2 миллиард доллардан қисқартириб боришни режалаштираяпти.

Касаллик хавфи

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг огоҳлантиришича, Шарқий Европанинг бир қатор мамлакатларида сил касаллигининг янги тури кенг тарқалиб кетиши хавфи бор. Қизил хоч жамиятининг тасдиқлашича, мазкур касаллик иккинчи жаҳон уруши даврида тарқалган вирусга қараганда бир неча баробар хавфли бўлиб, уни юқтирган одамнинг ҳаёти ўлим билан тугаши ҳам мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа Иттифоқи етакчиларини мазкур таҳдидни бартараф этишга чақирди.

Эслатиб ўтамиз, сил касаллиги туфайли дунёда ҳар йили 1,7 миллион одам вафот этади. Шунинг 450 минг нафардан ортиғи Шарқий Европа мамлакатларига тўғри келади.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАҲРИСАБЗ ШАҲАР «ЧУБИН» БАДИИЙ ГАЛЕРЕЯСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:

ЛОТ-1. Шаҳрисабз шаҳридаги мадрасани бадиий галереяга мослаштириш, шимолий-ғарбдаги ҳужралар ва дарвозахонанинг реставрацион-тиклаш ишлари ҳамда «Чубин» мажмуасида лойиҳасиз ободонлаштириш ишлари.
Қурилиш муддати — 60 кун.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 81.015.500 сўм.

ЛОТ-2. Шаҳрисабз шаҳридаги мадрасани бадиий галереяга мослаштириш, шимолий-ғарбдаги ҳужралар ва дарвозахонанинг реставрацион-тиклаш ишлари ҳамда «Чубин» мажмуасида ободонлаштириш ишлари (архитектура-қурилиш қисми, электр кучланиш тармоқлари, электр ёритиш, ёнғин хавфсизлиги тизимлари ва телефонлаштириш тармоқлари).
Қурилиш муддати — 60 кун.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 33.421.200 сўм.

Буюртмачи — Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри «Чубин» бадиий галереяси.
Манзил: Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 3-уй.
Телефон: (8-375) 529-90-40

Қурилиш ишларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келиши керак:
- *етарли касбий ва техникавий малакага;*
- *иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (заҳирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;*
- *молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;*
- *шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;*
- *юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.*

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Карши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 52-уй**да жойлашган Капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.
Тел./факс: (8-375) 223-10-63.
Офферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.
Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.
Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин — Қашқадарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш консалтинг маркази биносида ўтказилади.

8-банди қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисоб-китоб рақамлари ҳамда бошқа ҳисобвараглари бўйича операцияларини тўхтатиб қўйиш суд тартибида амалга оширилади, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг аниқланган ҳоллари бундан мустасно»;

9-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий жазо чоралари суд тартибида қўлланилади, уларнинг содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлганлиги ва молиявий жазо чоралари суммаларини ихтиёрий равишда тўлаганлиги ҳоллари бундан мустасно»;

10-банди қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Хўжалик юритувчи субъектларнинг товар-моддий бойликларини мусодара қилиш суд тартибида амалга оширилади»;

2) **7-модда тўртинчи қисмининг:**

2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) хўжалик юритувчи субъектлар бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, бундай субъектларнинг ҳисоб-китоб рақамлари ва бошқа ҳисобварақларини суднинг қарорига биноан ёпадилар»;

6-банди қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш суд тартибида амалга оширилади, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг аниқланган ҳоллари бундан мустасно».

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган 548–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **69-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар лицензия белгиланган тартибни бузган ҳолда ёки лицензия тўлиқ бўлмаган ёхуд нотўғри маълу-

Буклаш чизиғи

солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан илгари олиб чиқиб кетилган товарлар ва транспорт воситаларини божхона ҳудудига белгиланган муддатларда қайтариб олиб кирмаслик, агар уларни қайтариб олиб кириш шарт бўлса, жиноят аломатлари бўлмаган тақдирда, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227[17]-модда. Товарларни йўқ қилиш тартибини бузиш

Товарларни йўқ қилиш тартибини бузиш, яъни товарларни йўқ қилишнинг, уларни йўқ қилиш натижасида ҳосил бўлган чиқиндиларни тегишли божхона режимига жойлаштиришнинг белгиланган талаблари, чеклашлари ва шартларига риоя этмаслик, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227[18]-модда. Муайян божхона режимига жойлаштирилган товарлар ва транспорт воситалари билан ғайриқонуний операцияларни амалга оширганлик

Товарлар ва транспорт воситалари билан ғайриқонуний операцияларни амалга ошириш, уларнинг ҳолатини ўзгартириш, улардан божхона режимига номувофиқ тарзда фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш, худди шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, божхона режимининг бошқа талаблари, чеклашлари ва шартларига риоя қилмаслик, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227[19]-модда. Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишда иқтисодий сиёсат чоралари ва бошқа чекловларни қўлланиш тартибига риоя қилмаслик

Иқтисодий сиёсат чоралари ва бошқа чекловлар қўлланиладиган товарларни ана шу чоралар ва чекловларни қўлланишнинг белгиланган тартибини бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиш, Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, агар жиноят аломатлари бўлмаса, —

фуқароларга товарларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш

Қирқиш чизиғи

«227[1]-модда. Божхона чегарасини кесиб ўтганлик тўғрисида ёки товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш мақсади тўғрисида божхона органига хабар бериш тартибини бузиш

Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириш чоғида Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасини кесиб ўтганлик тўғрисида ёки товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш мақсади тўғрисида божхона органига хабар бермаслик, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш мақсади тўғрисида божхона органига нотўғри хабар бериш, агар бундай хабар божхона органи томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинган бўлса, худди шунингдек товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойга ҳамда белгиланган вақтда етказиб бермаслик, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227[2]-модда. Фалокат юз берган ёки енгиб бўлмас куч таъсир этган ҳолда чора кўрмаслик

Фалокат юз берган ёки енгиб бўлмас куч таъсир этган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 63-моддасида назарда тутилган чора - тадбирларни кўрмаслик,–

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227[3]-модда. Товарлар ва транспорт воситаларини етказиб берилган жойда кўрсатмаслик ҳамда уларнинг ҳужжатларини топширмаслик

Товарлар ва транспорт воситаларини етказиб берилган жойда Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 61-моддасида назарда тутилган муддатда божхона органларига кўрсатмаслик ҳамда уларнинг ҳужжатларини топширмаслик, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227[4]-модда. Товарлар, транспорт воситалари

Буклаш чизиғи

божхона органи томонидан қарор қабул қилинишига таъсир этмаса, —

энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

15) **166** ва **168-моддаларнинг санкцияларидаги** «юз фоизидан уч юз фоизигача» деган сўзлар «эллик фоизидан юз эллик фоизигача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **167-модданинг:**

диспозициясидаги «160 ва 163-моддаларда» деган сўзлар «163-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

санкциясидаги «юз фоизидан уч юз фоизигача» деган сўзлар «эллик фоизидан юз эллик фоизигача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **169-модданинг санкциясидаги** «юз фоизидан икки юз фоизигача» деган сўзлар «йигирма фоизидан эллик фоизигача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **171-модданинг санкциясидаги** «юз бараваридан беш юз бараваригача» деган сўзлар «юз бараваридан икки юз эллик бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **186-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«агар жазо чораси сифатида жарима, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда товарларни мусодара қилиш чораси қўлланилса, божхона органи томонидан кўрилади. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан жарима қўллаш суд тартибида амалга оширилади, уларнинг содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлганлиги ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаганлиги ҳоллари бундан мустасно. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан товарларни мусодара қилиш чорасини қўллаш суд тартибида амалга оширилади»;

20) **194-модданинг:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«194-модда. Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш»;

рус тилидаги матнининг биринчи қисмидаги «постановления» деган сўз «решения» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шахснинг жарима тўлаш учун етарли пул маблағлари бўлмаса, бу суммани ундириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд қарорига асосан амалга оширилади».

22-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган **«Инвестиция фаолияти тўғрисида»**ги 719–I-сонли Қонунининг (Ўзбекис-

Қирқиш чизиғи

Қирқиш чизиғи

кундан кечиктирмай етказилади. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги суд қарори лицензиатга ва божхона органига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади. Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичида лицензия божхона органига қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Лицензиянинг амал қилиши унинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан тугатилади.

Божхона органининг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензия амал қилишининг тугатилиши суд томонидан асоссиз деб топилган тақдирда, божхона органи лицензиат олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади»;

3) **71-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

лицензиат лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги аниқланганда;

божхона органининг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини лицензиат зиммасига юкловчи қарорлари лицензиат томонидан бажарилмаганда.

Лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш суд қарорига, лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳолларида эса, божхона органи қарорига биноан амалга оширилади.

Божхона органининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги суд қарори лицензиатга ва божхона органига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.

Божхона органи ёки суд лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиши учун муддат белгилаши шарт. Бунда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиши учун суд қарорида белгиланган муддат олти ойдан кўп бўлиши мумкин эмас.

Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этган тақдирда, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилган божхона органи ёки

Буклаш чизиғи

уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Божхона органига товарлар ва транспорт воситалари учун божхона декларациясини, худди шунингдек ҳужжатлар ва қўшимча маълумотларни белгиланган муддатларда тақдим этмаслик, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227[11]-модда. Божхона органи мансабдор шахсининг божхона назоратини ўтказиш учун ҳудуд ва бинога киришига тўсқинлик қилиш

Божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар ва транспорт воситалари, бундай назоратни ўтказиш учун керакли ҳужжатлар мавжуд бўлган ёки назорат этиш божхона органлари зиммасига юкланган фаолият амалга оширилаётган ҳудуд ёхуд бинога божхона органи мансабдор шахсининг киришига тўсқинлик қилиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227[12]-модда. Божхона органига ҳисоботларни тақдим этмаслик ва ҳисоб-китоб юритиш тартибига риоя қилмаслик

Божхона назорати остида ёхуд эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ҳудудида бўлиб, олиб кирилаётган, олиб чиқилаётган, келиб тушаётган, сақланаётган, қайта ишланаётган, тайёрланаётган, сотиб олинаётган ва сотилаётган товарлар ҳақида белгиланган тартибда божхона органига зарур ҳисоботларни тақдим этмаслик, худди шунингдек бундай товарлар ҳисоб-китобини юритиш тартибига риоя этмаслик, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227[13]-модда. Товарларни сақлаш учун қўйиш, уларни сақлаш ва улар билан операциялар ўтказиш тартибини бузиш

Ушбу Кодекснинг 227[4], 227[8], 227[9] ва 227[11]-моддаларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, товарларни сақлаш учун қўйишнинг белгиланган талаблари ва шартларига, уларни сақлаш, худди шунингдек божхона омборларида ва эркин омборларда товарлар билан операциялар ўтказиш тартибига ва муддатларига риоя этмаслик, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима со-

Қирқиш чизиғи

Божхона расмийлаштирувини амалга ошириш тартибини бузиш, яъни божхона расмийлаштирувини бошлаш ва тугаллаш, уни ўтказиш жойи, вақти ва таомили тўғрисидаги белгиланган талабларга риоя этмаслик, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227[8]-модда. Божхона расмийлаштируви тугалланмаган товарлар ва транспорт воситалари билан ғайриқонуний операциялар, шунингдек божхона органининг рухсатисиз юк операциялари ва бошқа операциялар ўтказиш

Божхона расмийлаштируви тугалланмаган товарлар ва транспорт воситалари билан операциялар ўтказиш, белгиланган талаблар ва шартларни бузиб, уларнинг ҳолатини ўзгартириш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Божхона назорати остида турган товарлар ва транспорт воситаларини божхона органининг рухсатисиз транспортда ташиш, ортиш, тушириш, қайта ортиш, бузилган ўровни тузатиш, ўраш, қайта ўраш ёки ташиш учун қабул қилиш, шундай товарлардан намуналар ва нусхалар олиш, бундай товарлар ва транспорт воситалари туриши мумкин бўлган бинолар ва бошқа жойларни очиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227[9]-модда. Қиёслаш воситаларини ўзгартириш, йўқ қилиш, шикастлаш ёки йўқотиш

Божхона органи томонидан қўлланилган қиёслаш воситаларини ўзгартириш, йўқ қилиш, шикастлаш ёки йўқотиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

227[10]-модда. Товарлар ва транспорт воситаларини декларациялаш тартибини бузиш

Товарлар ва транспорт воситаларини декларациялаш тартибини бузиш, яъни декларациялаш шакли, жойи ва уни амалга ошириш таомили ҳақидаги белгиланган талабларга риоя этмаслик, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса —

Буклаш чизиғи

суд кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги тасдиқномани олган кундан эътиборан лицензиянинг амал қилишини тиклаш тўғрисида ўн кун муддат ичида қарор қабул қилиши шарт»;

4) **112-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарздорлик вақти учун ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун боқимонда суммасининг 0,05 фоизи миқдорида сўзсиз тартибда пеня ундирилади. Тадбиркорлик субъекти томонидан ортиқча тўланган суммаларга тенг бўлган қарздорлик суммасига пеня ҳисоблаб чиқарилмайди. Пеня миқдори тадбиркорлик субъектининг божхона тўловлари бўйича қарздорлик суммасидан кўп бўлиши мумкин эмас»;

5) **131-модда:**

биринчи қисмидаги «134–172» рақамлари «137, 139, 144–146, 151–154, 156–159, 161–169, 171 ва 172» рақамлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъекти божхона тўловларини тўламаганлик натижасида содир этилган ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини материаллар судга топширилган кундан эътиборан бир ой ичида ихтиёрий равишда қоплаган ва унинг оқибатларини бартараф этган, шу жумладан пеня тўлаган тақдирда, тадбиркорлик субъекти унга нисбатан иқтисодий жазо чоралари қўлланилишидан озод қилинади»;

6) **132-модда:**

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун тадбиркорлик субъектининг охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг жами йигирма фоизидан ортиқ миқдордаги тўланмаган божхона тўловларини ва қўлланилган иқтисодий жазо чораларини ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади»;

бешинчи қисми олтинчи қисм деб ҳисоблансин;

7) **134–136, 138-моддалар, 139-модданинг учинчи қисми, 140–143, 147–150, 155, 160** ва **170-моддалар** чиқариб ташлансин;

8) **151-модданинг санкциясидаги** «товарлар ва транспорт воситаларининг мусодара қилинишига» деган сўзлар «товарлар қийматининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорда жарима солишга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **152-модданинг диспозициясидан** «149» рақами чиқариб ташлансин;

10) **156-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён

Қирқиш чизиғи

«Шарқ» НМАК жамоаси «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоевга акаси

Раҳмонжон МЕЛИБОЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Шарқ» НМАК жамоаси «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Фарруҳ Ҳамроевга акаси

Фарҳод ҲАМРОЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон халқ табобати академияси жамоаси ва «Шарқ табобати» журнали таҳририяти «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази бош директори Эркин Абдураҳмоновга волидаи муҳтарамаси

ИЛҲОМИЯ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси жамоаси бош бошқарма бошлиғи ўринбосари Райхон Жўраевга акаси

Баҳром АҲМЕДОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳамеддали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 123456